

МУҲИМ ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 август куни Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда

Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасида янги иш ўринлари ташкил этишга доир лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Бугунги кунда Сурхондарё вилояти аҳолиснинг 46 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган. 218 та сув иншооти ва 3 минг километрдан зиёд тармоқлар таъмирга муҳтож. Вилоятнинг жанубий туманлари ва Термиз шаҳрида сув минерализацияси микдори ошган.

Шу боис Президентимиз 2 июнь куни Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида “Тўпаланг” сув омборидан ичимлик суви тармоғи тортиш бўйича кўрсатма берган эди. Шунга мувофиқ, дастлабки лойиҳа ишлаб чиқилди.

Лойиҳага кўра, “Тўпаланг” сув омборининг қуйи қисмида босимни сўндириш, сувни тозалаш ва тарқатиш иншоотлари қурилади. У ердан туманлардағи сув тақсимлаш узелларигача жами 361 километр қувур тортилади. Бу тизим самарасида Сарисие, Денов, Шўрчи, Қумкўргон, Жаркўргон, Бандихон, Қизирқ, Шеробод, Ангор, Музработ, Термиз туманлари ва Термиз шаҳридағи 1 миллион 700 минг аҳолининг сув таъминоти яхшиланади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 138 миллион доллар бўлиши ҳисоб-китоб қилинган. Уни 2024 йилда ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани маъқуллаб, уни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича кўрсатма берди. Қурилиш ишларини “Обод қишлоқ” дастури билан уйғунлаштириш, сув таъминоти бўйича давлат-хусусий шериклини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Сервис иктисодиётда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 майдағи “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида бу соҳани иктисодиётда муҳим драйверга айлантириш ва 2023 йилга қадар хизматлар ҳажмини икки бараварга ошириш мақсади белгиланган. Шунга мувофиқ, 2021-2023 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқлаш вазифаси қўйилган.

Бу борада Тошкент шаҳрининг имкониятлари жуда катта. Хусусан, жорий йилнинг июнь-декабрь ойларида хизматлар соҳасида 415 мингта иш ўрни яратиш мўлжалланган. Бу режа янги тадбиркорлик субъектлари ва туну кун ишлайдиган савдо-кўнглиочар кўчалар ташкил этиш, ўзини ўзи банд қилиш, биринчи қават ва ертўпаларни ижарага бериш орқали амалга оширилади. Жумладан, июнь-июль ойларида 24 минг киши ўзини ўзи банд қилган, янги тадбиркорлик субъектларида 17 минг фуқаро ишли бўлган.

Президентимиз бу тажрибани мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам татбиқ этиш бўйича топшириқ берди. Қонунчиликка ўзгартириш кiritиб, хизмат кўрсатувчиларга молиявий енгилликлар бериш орқали улар фаолиятини расмийлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ

Наманган шаҳрининг Янги Наманган туманида жойлашган 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари энг улуг, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамини зўр шоду хуррамлик билан кутиб оладиган бўлди.

Меҳрибонлик масканининг капитал реконструкциядан чиқарилгани муносабати билан ташкил этилган тадбир чинакам байрамга, аниққса, болажонлар учун унутилмас шодиёнага айланди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари Гулнора Маърупова, Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шавкат Абдураззоқов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тарбиявий ва мафруравий ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Зафаржон Абдуллаев меҳрибонлик масканида давлатимиз раҳбари топшириқлари асосида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари меҳрга ташна болаларнинг Янги Ўзбекистонда яхши шароитларда ҳаёт кечириб, омон инсон сифатида вояга етишларига қаратилганлигини таъкидлади.

Меҳрибонлик уйи жамоасига мустақиллигимизнинг 30 йиллигига яна бир тўхфа сифатида,

Президент совғаси – “Нексия-3” автомашинаси калити топширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 18-19 февраль кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида мазкур Меҳрибонлик уйига келиб, унинг моддий-техник базасини жаҳон стандартлари талаблари даражасига чиқариш, педагогик жамоа ва тарбияланувчилар қалбида ёруғ келажакка бўлган ишончни янада ошириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Меҳрибонлик масканида ўтган қисқа давр ичида Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси буюртмачилигида пудратчи “Касаба қурилиш таъмирлаш” шўъба корхонаси, “Story Alliance Servis” масъулияти чекланган жамияти томонидан 8 миллиард сўмлик реконструкция ишлари бажарилди.

Лойиҳа асосида ҳудуддағи 6,5 минг квадратдан ошиқроқ йўл асфальтланди, 76 ўринли турар жой, спорт зали, 80 ўринли ошхона, ёпик бассейн, замонавий спорт зали таъмирланди. 10 турдағи ўкув ва тўғарак



хоналари, тиббиёт бўлими замонавий буюмлар, аинқса, замонавий электрон ўкув техника воситалари билан жиҳозланди. Мавжуд бино қайта таъмирланиб, кўркем кўринишга келтирилди. 19×24 ўлчамдағи болалар спорт майдончаси янгидан барпо этилди. Объектнинг барча майдони ободонлаштирилди.

– Давлатимиз раҳбарининг Меҳрибонлик уйига ташрифи биз учун янгича ҳаёт нафасини олиб кирди, – дейди 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Мадина Камолиддинова. – Ҳаёт

га бўлган қарашимиз буткул ўзгарди. Президентимиз биз, тарбияланувчилар билан мулоқотда масканимизни тубдан янгилаб, муносиб шарт-шароитларни яратишга ваъда берганди. Бунёдкорлик ва ободончилик ишлари натижасида холис ниятли сўзлар амалда ўз ифодасини топди. Маскандағи информатика, математика, хорижий тилларни ўргатишга мўлжалланган ўкув-машғулотлар хоналари барча зарур жиҳозлар, хусусан, интернетга уланган электрон доскалар, юмшoқ стуллар, ме

маънавий ва ахлоқий камол топишига қўмаклашиш;

боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек, уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш; давлат органлари ва ташкилотларнинг, шунингдек, ҳудудий комиссияларнинг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидағи фаолиятини мувофиқлаштириш.

Белгилаб қўйилсинки, Миллий комиссия ва ҳудудий комиссиялар ўзларининг ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан ўз фаолиятини ташкил этишда тегишли давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

4. Қуйидагилар:

Болалар масалалари бўйича миллий комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;
Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ;

Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Миллий комиссиянинг низоми ва ҳудудий комиссияларнинг намунавий низомини тасдиқласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра ўз фаолияти юзасидан Миллий ко

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

миссия **ҳар йили** Олий Мажлис Сенатига, ҳудудий комиссиялар эса **ҳар чоракда** тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига **ахборот тақдим этади**.

6. **2021 йил 1 сентябрдан** қуйидагилар:
Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти таркибида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча 3 та штат бирлигидан иборат **Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси** (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси шўъбаси);

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида амалдағи вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия котиби ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларидағи болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш шўъбасидаги бир нафар мутахассис лавозимларини мақбуллаштириш ҳисобига **болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти**;

туман (шаҳар) ҳокимликларида амалдағи вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссия котиби ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларидағи болаларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича методисти лавозимларини мақбуллаштириш ҳисобига **болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари** ташкил этилсин.

Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси шўъбаси штат бирликлари прокуратура органларининг 3 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобидан шакллантирилади.

7. Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятига қуйидағи қўшимча вазифалар юклатилсин:
бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ушбу йўналишда давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирларни белгилаш;

бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш;
бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидағи қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари

ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиклиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш;

васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидағи ҳамкорлиқни таъминлаш;

болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш;

ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш механизмларини яратиш ва такомиллаштириш;

оилага тарбияга олинган (патронат) болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини мониторинг қилиш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар билан ишлаш бўйича давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун назарда тутилган маблағларнинг ажратилиши ва уларнинг ўз эгаларига етказилиши устидан мониторинг ўрнатиш; тарбия муассасаларини тамомланган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш ва бандлигини таъминлашга қўмаклашиш; имконияти чекланган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишга қўмаклашиш;

назоратсиз, қаровсиз ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган болаларни аниқлаш ва уларни жойлаштириш чораларини кўриш.

8. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамаси шўъбаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари тегишинча Миллий комиссия ва ҳудудий комиссияларнинг **ишчи органи** вазифасини бажаради.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ►►

“BERLINER TELEGRAPH” ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИ ЖАРАЁНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТЕРИАЛ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

23 июль куни Ўзбекистонда давлат Президентлигига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланди.

Марказий сайлов комиссияси 2021 йил 24 октябрни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, деб белгилади.

МСК раиси Зайниддин Низом-хўжаевнинг таъкидлашича, сайловлар умумэътироф этилган халқаро стандартлар, шунингдек, демократик тамойилларга жавоб берадиган янги миллий сайлов қонунчилиғи асосида – очик ва ошкора ўтказилади.

2016 йилги Президентлик сайловларидан сўнг ўтган беш йил мобайнида мамлакат ва халқ ҳаётида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Нуфузли ташкилотлар экспертлари таъкидлаганидек, бу даврда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда муҳим ислохотлар амалга оширилди. “Сайлов – 2021” биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига мувофиқ ўтказилади. Конституциявий нормалар ва халқаро стандартлар асосида давлат Президенти даврийлик тамойили ҳамда партиялараро рақобат шароитида сайланиши таъминланади.

Сайлов кампанияси даврида барча сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари учун тенг шароитлар яратилади. Президентлик сайлови-



га тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш ишлари, шу жумладан, овоз бериш жараёни ўз номзодларини илгари сурган сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий ОАВ вакиллари томонидан кузатиб борилади. Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, барча даражадағи сайлов комиссиялари Президент сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш борасидағи фаолиятини қонунчилик, мустақиллик, ҳалоллик, очиклик, шаффофлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ташкил этмоқда.

МСК Матбуот маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлиmlари замонавий ахборот-коммуникация техникалари билан тўлиқ таъминланади. Матбуот маркази Марказий сайлов комиссиясининг “Saylov – 2021” веб-портали ҳамда бошқа ахборот ресурсларини юритади”, – дейилади нашр мақоласида.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

“Болалар омбудсмани тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

9. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамаси Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбасининг ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятларининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шўъбаларининг намунавий тузилмаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти томонидан мувофиқлаштирилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари бошлиқлари Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва

лавозимидан озод этилади;

б) Вазирлар Маҳкамаси шўъбаси ва Вазирлар Маҳкамаси котибиятининг худудий тузилмаларига ишга, қоида тариқасида, биринчи навбатда “психология”, “юриспруденция” ва “ижтимоий иш” соҳалари бўйича олий маълумотга эга бўлган фуқаролар қабул қилинади.

11. **Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси** 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавиятини юксалтириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида қуйидагиларга:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига – ҳудудларда болалар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахсларни ўз вақтида турар жойлар билан таъминлаш учун;
Миллий гвардия кўмондони Р.Джуроевга – болалар, айниқса, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасида ватанпарварлик йўналишидаги маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ўтказиш, болалар

спорт турларини ривожлантириш ва уларни жалб этиш чораларини кўриш учун;

Болалар омбудсманига – болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, иختисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва тарбия колониялари фаолиятида бола ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш учун;

ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Абдуллаевга – болалар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шaroитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун;

соғлиқни сақлаш вазيري А.Хаджибаевга – спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган болаларни ташхислаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, устувор равишда болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун;

халқ таълими вазيري Ш.Шерматовга – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек, таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз қатнашмаётган болаларнинг ҳисобини юритиш, бундай ҳо-

латларни бартараф этиш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш чораларини кўриш, мазкур масалалар бўйича мунтазам равишда Болалар омбудсганига ахборот киритиш учун;

мактабгача таълим вазيري А.Шинга – мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама камол топишига муносиб шарт-шaroитлар яратиш, уларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олиш, оилага тарбияга олинган болалар ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар болаларига белгиланган имтиёзлар асосида таълим олишини ҳамда янги имтиёзлар яратилишини таъминлаш учун;

маданият вазيري О.Назарбековга – болаларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шaroитларни яратиш ва кенгайтириш, уларнинг индивидуал хусусиятларини ривожлантириш, салоҳиятини ошириш ва истеъдодини тўла намоён этиш чораларини кўриш учун;

туризм ва спорт вазيري ўринбосари А.Каримовга – болаларни спорт билан мунтазам равишда шугўлланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча минтақаларда, айниқса, кишлоқ ва чек-

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 9 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

Отам раҳматли дуо қилган эди: “Ўғлим урушда Ленинград қамалида тўққиз юз кун қатнашиб омон қолдим. Отангни Аллоҳ сақлаган холос. Умрим оғир хасталиклар билан ўтди. Кўп тухматларга дучор бўлдим. Ҳар доим Яратган эгам менга яхши одамларни рўбарў қилди. Гарчи бегона бўлсаларда, уларнинг туғишганлардек қилган яхшиликлари туфайли шу кунларга етдим. Дунёда яхши одамлар кўп, сен ҳам ҳаётингда шундай инсонлар меҳридан баҳраманд бўлгин”. Мана олтмишга кираябманки ҳаётимда ҳам, салкам қирқ йиллик журналистик фаолиятимда ҳам отам дуосининг ижобатини кўриб келяпман.

Абдулла Турдикулов ҳақида ёзиш насиб этгани ҳам тақдирнинг инояти. У билан бундан йигирма етти йил аввал Ховос туманига раҳбарлик қилган даврида танишган эдим. Ушанда у ҳукумат томонидан хизмат сафари билан Францияга бориб, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича тажриба ўрганиб келганди. Чет эл сафари таассуротлари ва тумандаги тажрибалари хусусида “Қишлоқ ҳақиқати” ҳозирги “Қишлоқ ҳаёти” газетасида мақола ёзган эдим.

Бугун яна Баландчақир қишлоғидаги Абдулла аканинг файзли хонадонидаман. Дарвоза пештоқига Баландчақир кўчаси 16-уй, бу ерда I даражали “Меҳнат фаҳрийси” кўрак нишонин билан тақдирланган фуқаро Турдикулов Абдуллажон истиқомат қилди, деб тиллоранг ҳарфлар билан ёзиб қўйилбди. Дарвозадан киришингиз билан гулзору боғлар кўзингизни қувнатса, ғир-ғир эсан майин шаббод дилингизни яйратади. Дала ҳовлини эслатадиган камтаргина хонадонда мени йигирма беш ёшлар чамасидаги самимий йигит кутиб олиб, юқорироқда жойлашган сўри томон бошлади.

Юз-кўзидан нур ёғилиб турган Абдулла ҳожи бобога оқ ятак жуда ҳам ярашибди. Назаридида бундан чорак аср аввал кўрган қаҳрамоним қандай бўлса, шундай гавдаланиб турибди. Фақат сочлари оқарганини ҳисобга олмаса ғайрат-шижоатли, савлат-сиёсатли, сўзлари донишмандларга хос Абдулла ака Турдикулов. Бу ном мамлакатимизда жуда машҳур. Айниқса, Сирдарё ва ЖИЗСахда етти ёшдан етмиш ёшгача барчаси у кишини яхши билишади, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишади.

Биз гўё атрофи гуллар билан ўралган қўшдада ўтиргандаймиз. Ҳавотог томонлардан эсаётган насим Тошкентнинг қирқ даражадан юқори иссиғидан юраги ҳалқириб, салкам уч юз километр йўл босиб келган икдорорга тайинлов эди. Тошбифа ҳақида қадрлар ҳамкасбим ҳожи бобого хабар бериб қўйган экан, дастурхон безатилибди, чойлар дамланган. Набираси Темурубек тавозеъ билан чой қўйиб узатади. Бу хонадондаги илк таассуротим набиранинг бобосига кўрсатаётган меҳри бўлди.

– Баландчақир кишлоғи машҳур бўлиб кетган-а, бу қишлоқдан кўп улуг инсонлар чиққан-а, – дея савол бераман.

– Мен ҳам, ота-боболарим ҳам Баландчақир қишлоғининг шу хонадониде туғилганимиз, – дея сўз бошлайди Абдулла ота. – Халқ тилида Баландчақир бўлиб кетган, аслида эса туркининг тўқсон икки уруғининг бири чакар деб аталади. Баландчақар, деса ҳам хато бўлмайди.

– Сизникига етгунча анча чўлу биёбонлардан ўтдим. Янгибод тумани марказидаги фаровонлиқни, замонавий биноларни кўриб, текис йўллардан юриб чарчоғим ҳам чиқиб кетди. Сухбатни нимадан бошлаймиз?

– Болалигимни, оламдан ўтиб кетган ота-оналаримни эслашдан бошласак, маъқул бўларди, – дея сўз бошлайди Абдулла

ота. – Болалигимиз боладек ўтмаган. 1944 йили тўққиз яшар бола эдим. Қишлоғимиз болалари каби мен ҳам чўлдан катта-катта тошбақаларни ушлаб келиб араваларга ортиб берардик. Аравалардаги тошбақалар эса Ховос темир йўл станциясига олиб борилиб фронтга жўнатиларди. Аскарларга тошбақа гўшtidан овқат тайёрланар экан. Баландчақир тоғу адирликларидан биз болалар қидириб топиб, ушлаб келиб жўнатган тошбақалар совет аскарларининг қорнини қанчалик тўйдирганини билмайману, аммо уруш йиллари ва ундан кейинги очарчилик пайтлари бизлар қорнимиз тўйиб овқат еган эмасмиз.

Ҳаммаданам бечора онамизга қийин бўлганди. Қишлоғимиз оналари ўз жигарбандларини фронтга юбориб, “қора хат”лар олиб қон-қон йиғлаган бўлса, раҳматли онам саккизта ўғлидан бештасини болалик чоғларидаёқ тупроққа бериб жигар бағри қуйиб кетган эди. Ақалли бир нафар фарзандидан айрилган онанинг оҳ-ноласи нақадар аламли эканини бошидан ўтказган биларди. Беш ўғилни қабрга қўйган она фарёдини кўз-ўнгингизга келтиринг-а?!

...1948 йил советларнинг манфур сиёсати туфайли биз туғилиб ўсган она қишлоғимиздан Боёвутнинг қип-қизил чўлига кўчирма қилиндик. Отам, онам ва уч ўғил ертўла қовлаб устини ёпиб яшай бошлади. Зиммामизга қўйилган вазифа чўлни ўзлаштириш эди. Боёвут Боёвут бўлибдики, кўп нарсалар ўзгаргандир, лекин шамолни ўша-ўша. Отам Ховосга ичимлик суви олишга кетганди. Бирдан қаттиқ шамол кўтарилди. Онам бизларни ертўлага олиб кирди. Орадан бир неча соат ўтган ертўладан чиқайлик, десак йўлакни қум босиб қолибди. Қоп-қоронғу, худди лаҳадда ётгандаймиз. Роппа-роса уч кун нонсиз, сувсиз, қумни тағида қолиб кетдик. Қўрқанда йиги ҳам келмас экан. Уч кун уч йилдай ўтди. Бир амаллаб отам бизни ертўладан олиб чиққанди.

Абдулла ота бу дахшатли воқеани айтиётиб кўзига ёш олди, беихтиёр менинг ҳам кўзларимга ёш келди...

Раҳматли Турдикул отам юмшоқ феълли, инсофли, камтарин, мўмин инсон эди. Араб, рус тилларни мукаммал биларди. Ислом душманлари қутурган пайтларда ҳам диний китобларни ўқиб, мазмун-моҳиятини тушунтириб берар, бизларга одоб ва ахлоқдан панд-насихатлар қилар эди. Қўлинг меҳнатда, дилинг Аллоҳда бўлсин, деган ҳикматни кўп такрорларди. Ўзи ҳам шу ҳик-



Суратда: Абдуллажон ҳожи ота Турдикулов ва Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби раҳбари, шоир Мухаммад Исмоил.

матта амал қилиб яшаб ўтди. Одамларга озор берманглар, бировнинг ҳақиқига хиёнат қилманглар, пешона тери билан тўйилган ризқ баракалли бўлади, дея қайта-қайта уқтирарди.

Қурбоной онам жуда қаттиққўл, талабчан, шу билан бирга маърифатли ва меҳрибон аёл эдилар. Яхши ўқигин, кўп ўқигин, деб доимо талаб қўярди. Қаерда, қайси лавозимда ишламайин доимо онамнинг назарида бўлдим. Улғайиб хўжаликларига, туманларга раҳбар бўлган пайтларимда ҳам худди ёш боладай унинг чизган чизғидан чиқмасдан, онамга итбат қилишга кўниккан эдим. Онам ҳар гапида ҳалол егин, одамларга адолат қил, халқ билан бирга бўл, киндик қонинг тўкилган уй чирогини ёқиб ўтисанг, икки дунё сендан рози бўламан дер эди. Онамнинг ис-тагига амал қилиб ҳали ҳануз гуваладан тикланган, ота-боболаримиз пойқадами теккан ушбу муқаддас даргоҳни обод қилиб, роҳат-фароғатда яшаб келяпман.

Шу хонадонда мен ва укаларим Райимжон, Каримжонлар униб ўсдик, уйландик, болали-чақали бўлдик. Келинлар ҳам, болаларимиз ҳам ота-онамнинг бағрида ҳавас қилгудек ахил ҳаёт кечирдик. Битта қозондан ўттизга яқин киши овқат ер эдик. Умр экан укаларим тўсатдан оламдан ўтиб кетишди. Улардан қолган зурриёдларга ҳам ўз фарзандларимдек меҳримни бағишлаганман.

Бу хонадонга улуг устозларимнинг, шоир ва адибларнинг, уламо-ю фузалоларнинг табаррук қадамлари теккан. Садқотли ва оқибатли дўстим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик ўзининг “Шайтанат” асарини бизнинг уйда ёзган эдилар.

Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги институти 1958 йил битириб Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан берилган йўлнамга билан колхозимиз раиси олдига ишга жойлашиш учун кирдим. Раис қатъий қилиб иш йўқли-

қаршилиқ қилган “қўринмас кучлар” ҳам бор эди. Бундан ярим аср илгари собиқ Меҳнатобод туманининг ерлари қип-қизил чўл бўлган. Бир тул ҳам дарахт бўлмаган чўлни бўстонга айлантиришда, ертўладан бошқа бирорта бино йўқ жойларни гулистонга айлантиришда Абдуллажон Турдикуловнинг меҳнатлари бебаҳодир.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг йилқичиликни ривожлантириш, қорабайир зотли отларни етиштириш, от

спорт турларини янада ривожлантириш, чавандозлар мактабларини ташкил этиш хусусидаги қарорларни ўқиб, жуда хурсанд бўлдим, – дейди Абдулла ота. – Ёшлигимдан отларни яхши кўраман. От ҳақида гап кетса 1959 йилдаги машъум бир воқеа ёдимга тушаверади. Ушанда отларни йўқотишга хужум бошланганди. Тўеки битта от ўнрта қорамолнинг озқаксини ёйди, деган баҳона билан кимнинг оти бўлса, давлат зўрлик билан тортиб олиб гўштга топшираётган эди. Қишлоғимиз шaroитида от бўлмаса одамлар жуда қийналар эди. Райкомнинг биринчи котибига икки киши – битта ўқитувчи билан Барот бува деган оксоқол отини топширишдан бош тортаётганлигини билдиришди. Котиб ўқитувчидан нега отни топширмайсан деб сўраганида, у олис овулдан мактабга галстук тақиб ота келаман, отини топшириб, галстук тақиб эшшак миниб мактабга келсам одамлар кулмайдики, деб жавоб беради. Бу давлатнинг қарори, партиянинг буйруғи. Отнинг думи кесилиб жунга, ўзи гўштга топширилсин! Барот бувадан ҳам отни топширмаётганининг сабабини сўрайди. Ёлғиз ўғли урушга кетаётганди, эсон-омон қайтсан, улоқ чопаман, шу тойчоғимни боқиб от қилиб туринг, ота деган эди. Ўғлим урушдан ногирон бўлиб қайтди. Ҳозир унинг бирдан-бир овунчоғи шу от бўлса, уни ҳам тортиб олсанлар, ўғлимнинг холи не кечади? Миршаблар эгар жабдуғини Барот буванинг қўлига тутқазиб, отини тортиб олишди. Барот бува вой болам, вой болам, деб ўқириб-ўқириб йиғлади. Илоҳо давлатинг ҳам, партиянг ҳам балога йўлиқсин, дея роса қаради. Орадан бир ҳафта ўтмай Барот бува ҳам, ўғли ҳам оламдан ўтиб кетди. Ҳа от қадрини от минганлар биларди...

Абдулла отани тирик тарих дейишади. Бугун у билан ўтмиши саҳифаларини ва-раклаб тургандайман. Туман марказидан олис қирларда жойлашган Баландчақир қишлоғига газ келтирган ҳам, Сирдарёдан сув келтирган ҳам, фабрика ва касалхона қурган ҳам, дарахт экиб, боғ яратишда жонбозлик кўрсатган ҳам Абдуллажон Турдикулов. У шу ёшида ҳам элини, қишлоқ ёшларини ўйлаб жонсарақ. Навқирон Янгибод тумани марказида бунёд этилган енгил саноат корхонасида икки юз нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Эндиликда бу корхонада ишлаб чиқарилаётган калавани қайта ишлаб, тўқиб, бўяб, тикиб ва бозорда сотиш жароёнларини ташкил

ка худудларда болалар спорт объектлари тармоғини кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш учун;

бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирини Н.Хусановга – болаларни, айниқса, олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган ҳамда касб эгаллаш истагини билдирган умуимий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

13. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, “Болалар омбудсмани тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқиш тавсия этилсин.

14. Болалар омбудсмани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиш тавсия этилсин.

15. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокмпаниясига ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

16. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Б.А.Мусаев, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Д.М. Кенжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чоракда ахборот бериб борилсин.

Кўз қўрқоқ, қўл ботир
сув тақчиллиги шароитида энг тўғри йўл

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ –
ЭНГ МАҚБУЛ ЕЧИМ

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ТУФАЙЛИ ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН
МУАММОЛАР БОИС СУВ ТАНҚИСЛИГИГА ДУЧОР
БЎЛАЁТГАН ДЕХҚОНЛАР ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ
ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ ЭКАНЛИГИНИ ҲИС ЭТА БОШЛАДИ.

Хўжаобод туманидаги “Азим Туркистон сарҳади” фермер хўжалиги раҳбари Бадриддин Бозоровга қарашли далаларга сув етказиб келиш шу қадар қийинки, баъзи вақтларда муаммо ечими вилоят миқёсида ҳал бўлади. Ғўза парваришида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилаётган айни вақтда Бадриддин янгиликка очиқ кўз билан қаради ва 21 гектар майдонда ушбу янгиликни қўллашга қарор қилди.

– Кўп йиллардан буён ўзимиз ўзимизни қийнаб келибмиз, – деди Бадриддин кўсаларни бир-бир кўрсатар экан. – Қараган сарингиз кўнглингиз кўтарилади. Далага чиққанимга 14 йил бўлди. Бундай манзарага биринчи бор

дуч келдим. Буни суғоришда илғор технологияни жорий этиш натижаси деб биламан. Яқинда пойтахтдан, вилоятдан келган мутахассислар ғўзаларимизни обдон кўриб чиқишди ва қилинган меҳнатлар қайтими янада барокатли бўлишини қайд этишди.

Эгат оралаб, ғўзаларни кўрар эканмиз, кўсаларнинг тўлиқлиги, очилган пахталарнинг лўппилиги, ҳамон ҳосил нишоналари пайдо бўлиши бир маромда бораётганлиги томчилатиб суғориш усулининг эртасини намоён этиб турибди. Хўжаликда 41 гектар ғўза майдони бор. Йигим-терим ақунлангач, қолган майдонда ҳам томчилатиб суғоришга боғлиқ технологик жихозларни ўрнатиш бошланади. Бу фермернинг шунчаки ҳаваси эмас, балки қатъий



қарори. Негаки дастлабки таҳлилларга қараганда август бошида гектар ҳисобига 60 центнердан ҳосилга асос яратилганлиги маълум бўлди.

Кўсаларнинг очилиши, ҳадемай эса ғўза барглари сунъий тўктириш бошланиши ортидан йигим-терим мавсуми эшик қоқади. Илғор технологиянинг фермерлар учун кўпдан-кўп иқтисодий имкониятлар беришини амалда кўраётган Бадриддин Бозоров 2022 йилда ғаллачиликда ёмғирлатиб суғориш усулини қўллашга ҳам киришиш нияти борлигини айтди. Бугун 21 гектар ғўза майдонида сув ва

ўғит аралашмаси томчилар орқали ўсимлик илдиизига қувват бермоқда. Оператор Козимжон Раимов ва сувчи Ўтамжон Сотволдиев томонидан назоратдаги даланинг ҳар гектарига аввалги меъёрга нисбатан тенга-тенг даражада минерал ўғит берилганлигининг ўзигина самарадорлиқнинг юқори бўлишини ойдинлаштирмоқда. Қатор ораларига ишлов берилмаганлиги ҳам ютуқ албатта. Даланинг бегона ўтлардан холи эканлиги эса ғўза ривожига ривож бермоқда.

Қобилжон АСҚАРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



ЕТТБ дастури
доирасида Ипотека-
банкда экспертлар
билан учрашувлар
бўлиб ўтди

“Ипотека-банк” АТИБ томонидан Ўзбекистондаги тижорат банклари орасида биринчилардан бўлиб Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг SAWIB дастури доирасида 10 миллион АҚШ доллар миқдоридagi кредит линияси жалб қилинган.

Ушбу дастур асосида “қарз олувчилар учун техник ҳамкорлик” ва “кичик бизнес учун маслаҳат бериш” тадбирлари кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда ушбу йўналишда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ЕТТБ консультантлари билан биргаликда лойиҳани амалга ошириш мақсадида савдо, маркетинг, риск ва IT йўналишлари бўйича малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, ҳозирда ушбу гуруҳ Ипотека-банкка ташриф буюрган.

Гуруҳ таркибига киритилган ЕТТБ экспертлари Андреас Франкке (гуруҳ раҳбари), Иноятхон Садиқова ва Лола Умарова банкка ташриф буюриб, дастур юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишишмоқда. Шунингдек, улар дастур бўйича масъуллар ўртасида давра суҳбатлари ташкил этилиб, унда дастур юзасидан ўзаро фикрлар алмашишда ҳамда дастурни ривожлантириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, филиал раҳбарлари билан WBCA дастури бўйича он-лайн-масофавий тарзда семинар-тренинглар ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

БОҒОТ ҚОВУНЛАРИ АНГЛИЯ БОЗОРЛАРИДА

Қадимдан Хоразм воҳаси ўзининг шириндан шакар қовунлари билан маълуми машхурдир. Хоразм қовунлари илк ўрта асрларда қўлбола музлатгич – қўрғошин қолипларда музга ўраб, хорижий давлатларга етказилган. Агар қовун яхши сақланиб этиб борса, донаси тую нархида сотилганлиги тарихдан аён.



Хоразмнинг тупроғи нисбатан шўр эканига қарамай, Амударё суви туфайли бу ернинг мевалари, хусусан, қовуни ўзига хос таъмга эга саналади. Тилими тил ёрадиган гурвак навли қовун ҳам айнан ушбу воҳада етиштирилади. Шунинг учун ҳам “Гурвак” Хоразм қовунчилигининг рамзидир.

Кейинги йилларда воҳада қовуннинг экспортбоп навлари яра-



тилмоқда. “Зарпечак” нави шулар жумласидандир. Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон қиймати 7,4 млн. доллар бўлган қарийб 23 минг тонна қовун-тарвуз экспорт қилган. Шундан 4,5 минг тоннаси Хоразм вилояти ҳиссасига тўғри келади. Бу республикада энг юқори кўрсаткич.

Яқинда англиялик тадбиркорлар Баҳадур Мохаммед Фарид, Баҳадур Мохаммед Хумоюнлар Боғот туманидаги “Гулшан” маҳалласида жойлашган “PERFEKT LOGISTIKA” МЧЖ таъсисчиси, экспортёр Мухаммаджон Абдиримов, Жаҳонгир Ғиёсовлар билан қовун экспорти шартномасини имзоладилар. Ан-

глиялик меҳмонлар Боғотнинг тиллар ширин қовунлари экилган далаларда бўлишди ва корхонанинг мева куришти цехи фаолияти билан танишди.

Шу куни хорижлик тадбиркорлар туман ҳокими Ш.Яхшибоев қабулда ҳам бўлишиб ўзларининг режалари ва Англияга қовун экспорти борасида келишиб олдилар. Туман ҳокими меҳмонларни туманда амалга оширилиши кўзланган режалар билан таништирди ва туманда энг долзарб вазибалардан бири экспортни ривожлантириш эканлиги хусусида фикрларини билдирди.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ТУМАНЛАРАРО ТАЖРИБА
АЛМАШИШ БЎЙИЧА СЕМИНАРЛАР БОШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси туманларида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш ва улардан фойдаланишда туманлараро тажриба алмашиш бўйича семинарлар ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 11 август куни Амударё, Тўртқўл, Элликқалъа, Беруний, Қораўзақ, Бўзатов, Тахиятош ва Тахтақўпр туманларида қолган саккизта туманнинг сув хўжалиги масъуллари, фермерлар ташриф буюриб, ўзаро тажриба алмашишди. Яна саккизта туманда шундай семинарлар ташкил қилинади.

– Туманлараро тажриба алмашиш семинарларининг айнан август ойида ўтказилаётгани бежиз эмас, – дейди Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бошқармаси бошлиғи Туроб Қаюмов. – Бу Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги тегишли қарориди кўзда тутилган. Мақсад жорий йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларини қўлламаган фермер ва

сув истеъмолчиларига тежамкор технологиянинг самарасини бевосита далада кўрсатиш ва келгуси йил ҳосили учун янада кенгроқ қўллаш учун замин яратишдир. Сув танқислигини бартараф этиш ва кам сув билан кўпроқ ҳосил олишнинг яққаю-ягона ва энг тўғри йўли сув тежовчи технологиялар эканлигини бугун барча сув истеъмолчилари англаб етмоқда.

– Бу йил 30 гектар пахта майдонига томчилатиб суғориш техно-

логиясини жорий қилдик, – дейди Амударё туманидаги “Ражапов Омонобӣ” фермер хўжалиги раҳбари О.Ражапов. – Бу технология ҳовузга сув етарли миқдорда мунтазам келиб турса самара берар экан. Бизнинг экин майдонларимиз ички каналларнинг энг охирида жойлашганлиги туфайли иккита артезиан қудуғини қазиб, сув таъминотини яхшиладик. Семинарларда сув тежовчи технологияларни ўрнатиш ва ғалла майдонларини суғоришда йўл

қўйилган хато-камчиликлар аниқланиб, сабаблари таҳлил қилинмоқда. Шунингдек, келгуси йил ҳосили учун экиладиган ғалла майдонларини лазер ускунаси ёрдамида текислаш, суғоришда агротехник қоидаларга амал қилиш ва ушбу далаларда ёмғирлатиб суғориш технологияларини ўрнатиш бўйича тавсиялар берилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021–2023 йилларга мўлжалланган стратегиясида 2022 йилда Қорақалпоғистон



Республикасида 17 минг 422 гектар майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш белгиланган. Шундан 15 минг 418 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатиш назарда тутилган.

Ғ.ОТАЖОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги матбуот котиби.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Ҳоким ёшларга
компьютер
жамланмаларини
тақдим этди

Навоий шаҳар ҳокими “Ёшлар дафтари” рўйхатида бўлган 25 нафар йигит-қизларга ўзини-ўзи банд қилиши учун субсидия асосида замонавий компьютер жамланмаларини тақдим этди.



Ҳокимлик ва Ёшлар ишлари агентлиги шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ўз навбатида ёшларнинг ҳаётда муносиб ўринларини топишлари ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашишга қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда Навоий шаҳридан “Ёшлар дафтари” платформасига жами 2149 нафар ёшлар киритилган бўлиб, бугунги кунда 2050 нафарининг муаммолари ҳал

этилиб, мазкур дафтардан чиқарилди. Айни вақтда “Ёшлар дафтари”да 99 нафар ёшлар бўлиб, уларнинг ҳам ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун янги лойиҳалар устида иш олиб борилапти.

Зеро, юртимизда навақирон авлод вакилларига қаратилаётган эътибор ва имкониялар салмоғининг ортиб бораётгани уларни янада илҳомлантирмоқда.

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Ижтимоий ҳимояга муҳтожлар
ҳамиша эътиборда

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи сентябридан нафақа миқдори ошлагада болалар сонидан келиб чиқиб белгиланиши кўзда тутилмоқда.

Бунда болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача, тулов муддати 6 ойдан 12 ойгача узайтирилади. Шунингдек, “Темир дафтар”га кирган оила фарзандларига ҳамда боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган болаларга мактабга чиқиши учун 500 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам пуллари берилади. Яна шу нарса ҳам белгилаб қўйилдики, васийлик, ҳомийлик ва патронатга олинган болалар ҳам олийгоҳларга киришди меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчалари битирувчилари учун ажратилган қўшимча квотадан фойдаланадилар.

Бундан ташқари, меҳрибонлик уйлари битирувчиларини қоидаларга амал қилиш ва ушбу далаларда ёмғирлатиб суғориш технологияларини ўрнатиш бўйича тавсиялар берилмоқда.

Бунинг учун 757 нафар болага уй-жой сотиб олишга жорий йилда бюджетдан 120 миллиард сўм йўналтирилди.

Етим ёки ота-она қарамоғи-

дан маҳрум бўлган иқтидорли талабалар стипендияси эса 50 фоизга оширилади. Шунингдек, ота-онасидан ажралган талабаларга пенсия тўлаш муддатини амалдаги 18 ёшдан 23 ёшгача узайтириш кўзда тутилмоқда. Ушбу талабаларга зарур адабиётлар сотиб олишлари учун ҳар йили бир марта 1,2 миллион сўм субсидия берилади.

Шу каби ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар, амалга оширилаётган ишларнинг албатта, ўзининг ижобий натижасини беради. Зотан, қилинаётган меҳнат, амалга оширилаётган чора-тадбирлар замирида аввало келажагимиз эгалари бўлиши ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, баркамол, жамиятга, юрт равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган авлод бўлиб вояга етишишидек улуғ ва савобли, шу билан бирга, масъулиятли мақсадлар бор.

Шербек ҲАЙИТОВ,
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Арнасой тумани бўлими Пенсия ва нафақалар тайинлаш ва тўлаш шўъбаси катта инспектори.

Таниқли жамоат арбоби, академик Акмал Саидовнинг яқинда нашрдан чиққан “Ғалаба боғи фалсафаси” номли асари билан танишгач, ҳар саҳифаси эзгулик билан йўғрилган битиклар халқимиз қалбида туғёнланиб, дилидан тилига кўчолмаётган фикр ва ҳис туйғулар ифодаси эканига иймон келтирдим. Номидан ҳам кўруниб турибдики, китобда Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюқ ғалабага ўзбек халқи ва унинг жасур жангчи фарзандлари қўшган ҳисса бугунги кун руҳи ва талабига мувофиқ асосли ёритилган.

Инсоният ўз тарихида кўплаб даҳшатли урушларни бошидан кечирган, лекин улар ичида энг даҳшатлиси Иккинчи жаҳон урушидир. Чунки бундай қирғинбарот уруш тугаганига 75 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, унинг одамлар қалбига солган жароҳати, жабру ситамлари, азоб-уқубатлари ҳали-ҳануз унутилгани йўқ. Шу маънода мамлакатимизда “Ғалаба боғи”нинг ташкил қилиниши ўзига хос тарихий-фалсафий аҳамиятга эга эканлигини мазкур асар орқали яна бир бор чуқур аниқлаш мумкин.

“Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бунёд этилган Тошкент шаҳридаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ўзбекона фалсафа, таъбир жоиз бўлса, халқона сиёсатнинг

Тинчлик қадри, эзгулик таронаси

амалдаги ёрқин ифодасидир. Бундай бунёдкорона ёндашув Янги Ўзбекистоннинг шиддатли ислохотлариغا хос муҳим хусусият ҳамдир”, дея таъкидлайди муаллиф китоб муқаддимасида.

“Ғалаба боғи” фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент қарори асосида катта ишлар амалга оширилгани мисоллар, далиллар билан тасвирлаб берилиши баробарида МДХ мамлакатларида меъморий жиҳатдан ҳам ўхшаши йўқ ноёб ёдгорлик мажмуасининг ташкил этилиш тарихи, мазмун-моҳияти ва аҳамияти ёрқин ифодаланган. Муаллифнинг фикр-мулоҳазалари аниқ далил ва рақамлаар, тарихий ҳужжатлар, расмлар, тасвирий санъат асарларидан намуналар билан асосли ифодаланган. Шу ўринда бир ҳолатни эслашни лозим деб биламан. Мухтарам Президентимиз 2018 йилда Наманганга ташриф буюриб, 2 май куни Норин туманида ўтказилган вилоят фаоллари билан учрашувда буюқ алломалар меросини, юртимиздан етишиб чиққан саркардаларнинг ибратли ҳаёт йўлларини ўрганиш, хусусан, ўзбек фарзанди генерал Собир Раҳимов жасорати ҳақида ёшларга тушунча бериш муҳимлигини, унинг унутилаёзган номини халқимизга қайтариш тарихий адолатни тиклаш билан баробар эканини таъкидлаган эди. Собир Раҳимов номи халқимизга қайтарилгани, бу билан тарихий адолат қарор топгани, ёдгорлик мажмуасида “Мангу жасорат” монументи қад ростлагани умумжаҳон миқёсида эъ-

тироф этгулик қадриятдир. “Ғалаба боғи” Янги Ўзбекистон бағридаги ўзига хос зийнат. Унинг яратилишида “Шон-шараф” музейининг мазмун-моҳияти ва “Ғалаба боғи” концепциясини амалга оширишдан кўзланган мақсадлар сурунли йиллар манзарасини очиб беришга хизмат қилади. Фашизмга қарши кураш жараёнларини ҳар бир фуқаро кўз ўнгига гавдалантириши билан қимматли. Айниқса, китобда бундай ўзига хос меъморий ансамблда “Матонат мадҳияси” деб аталган обида она-Ватан рамзи сифатида қад ростлагани ғоят таъсирли кўрсатилган. Бу мажмуани қахрамон аждодларимизнинг муносиб номларини қайта тиклаш ва уларни абадийлаштириш, улар мисолида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим бадий кўргазмали воситаси, уруш жасоратларини ҳеч қачон унутмасликка чорловчи даъват, деб ҳисоблаш мумкин.

Китоб ҳақидаги фикрларим билан ўртоқлашар эканман, муаллиф Акмал Саидовнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги иштироки билан боғлиқ фаолиятлари ҳақида ҳам икки оғиз мулоҳаза юритишни ўринли деб ҳисоблайман. Биринчидан, Акмал Саидовни қарийб 30 йилга яқин давр мобайнида яхши билганим асосида айтаманки, у ўзининг бутун онгли ҳаётини фақат эзгуликка бағишлагандир. Буни муаллифнинг халқимиз олдидаги олимлик ва зиёилик бурчини чуқур ҳис қилганлигидан деб биламан.

Иккинчидан, Акмал Саидовга хос фаоллик мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги, хусусан, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида юз бераётган ҳар бир янгилик ва ўзгаришларга ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиб келаётганини таъкидлаш ўринли деб ҳисоблайман. Давлатимиз раҳбари “Тарихни тиклайлик, адолатни қарор топтирайлик”, деган ғояни ҳамиша илгари суради. Мухтарам Президентимизнинг “Тарихчи олимларимиз, ижодкор зиёиларимиз, киночи ва рассомларимиз “Ғалаба боғи”даги ҳар бир мажмуа ҳақида янги илмий тадқиқотлар, бадий асарлар яратиб, халқимизга тақдим этса, нур устига нур бўларди”, деган даъватига Акмал Саидов томонидан амалий жавоб берилиши бу соҳада ҳали кўплаб жамоат арбоблари ва ижод кишилари томонидан қилинажак катта ишларга дебоҳадир.

Мухтасар айтганда, ушбу асар Иккинчи жаҳон урушида беқиёс мардлик ва жасорат кўрсатган ўзбекистонлик жангчилар, фронт ортида матонат ва буюқ инсонпарварлик фазилатларини намоён қилган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюқ ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини чуқур ўрганиш ва кенг миқёсда тарғиб қилишга хизмат қилади.

Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Наманган давлат университети профессори, сиёсий фанлар доктори, “Эл-юрт хўрмати” ордени соҳиби.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ, ИЛМИЙ АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Андижонда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган қадимий қўлёзмалар кўргазмасининг ёпилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ватанимиз, халқимиз тарихи билан боғлиқ, қолаверса, юртимиздан етишиб чиққан улўғ алломалар томонидан ёзиб қолдирилган ноёб қўлёзмалар тарихимизни ўрганиш, ўзлигимизни аниқлашда муҳим манбаа ҳисобланади.

Тадбирда сўз олган Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси М.Прахат бу каби кўргазмалар икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни, ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази директори Ч.Шехар, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция раҳбари З.Машрабов кўргазма, унинг мақсади, моҳияти, Бобурийларнинг ҳинд маданияти ва Ҳиндистон тарихида тутган ўрни ҳақида ба-

тафсил тўхталиб ўтди.

Андижонда намойиш этилаётган мазкур кўргазма санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди, минглаб андижонликлар мазкур кўргазмага қўйилган қўлёзмаларни томоша қилди.

Андижонга ташриф доирасида меҳмонлар вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида янги ташкил этилган тасвирий санъат кўргазмасини бориб кўрди.

Меҳмонлар музей кўргазмаларидан жой олган мамлакатимизнинг таниқли мўйқалам усталари томонидан яратилган нодир санъат намуналари билан танишди. Янги ташкил этилган кўргазма юқори савияда, халқаро талаблар даражасида эканлиги эътироф этилди. Айниқса, хунаромандчилик маҳсулотлари кўргазмалари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Қутлов

“БОҒОТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ”

акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни, шу жумладан донни қайта ишлаш саноати тизимида самарали меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини жонажон

Ватанимиз Мустақиллигининг шонли 30 йиллиги байрами билан муборакбод этади. Барчангизга бахт-саодат, Истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди. Қалбларингиздан шоду-хуррамлик, хонадонларингиздан қут-барака аримасин.

Ҳамиша юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Реклама

МАХАМ – CHIRCHIQ

НРК МИКРОЭЛЕМЕНТЛИ СУВДА ЭРУВЧАН АЗОТЛИ-ФОСФОРЛИ-КАЛИЙЛИ КОМПЛЕКС МИНЕРАЛ ЎҒИТИ МАҲСУЛОТ ЁРЛИҒИ

НРК 18:7:14+2Mg
НРК 18:18:18+3Mg
НРК 11:5:22+6Mg
НРК 18:6:19

Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.
Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz www.maxam-chirchiq.uz

Маҳсулот сертификатланган

Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.